

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu/22.02
РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВ АҲРОР ИКРОМОВИЧ

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ
ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of philosophy (PhD)

Рўзиёв Ахрор Икромович

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш:
назария ва амалиёт масалалари.....3

Рузиёв Ахрор Икромович

Оценка регуляторного воздействия проектов нормативно-правовых актов:
вопросы теории и практики23

Ruziyev Akhror Ikromovich

Regulatory impact assessment of the drafts of normative legal acts:
issues of theory and practice.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu/22.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВ АҲРОР ИКРОМОВИЧ

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ
ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ү421 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Джаҳонгир Исмоилович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Акилов Алимжон Раҳимович
юридик фанлар доктори, профессор

Султанова Сабоҳат Алишеровна
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ү4/22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил « 25 » февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36, факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1114-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36)

Диссертация автореферати 2023 йил «11» февралда тарқатилди.

(2023 йил «11» февралдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Б.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор в.б.

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон амалиётида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига, тадбиркорлик ва рақобат муҳитига, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, атроф муҳитга таъсирини олдиндан прогноз қилиш асосида чуқур ва пухта ўйланган ҳамда ҳар томонлама асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш норма ижодкорлигининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан норматив-ҳуқуқий базага ва норма ижодкорлиги жараёни сифатига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ушбу жараён норма ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш ва норма ижодкорлиги фаолиятига «ақлли тартибга солиш» механизмларини жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, Жаҳон банки томонидан юритиладиган давлат ҳуқуқий сиёсати ва тартибга солиши сифатини аниқлаш бўйича Давлат бошқаруви сифати индексининг («World Governance Indicators») Тартибга солиш сифати рейтингда («Regulatory Quality Ranking») юқори ўринларни эгаллаш норма ижодкорлиги фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундай жараёнда норма ижодкорлиги фаолиятида илғор халқаро тажрибага мос келадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон амалиётида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш норма ижодкорлиги фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борадаги илмий изланишлар тобора устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Илм-фанда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу асосда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш механизмлари ва институционал асосларини аниқ белгилаш, бу бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш орқали тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун зарур ҳуқуқий механизмлар ва шарт-шароитларни белгилаб бериш, тартибга солиш таъсири баҳоланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасини босқичма-босқич кенгайтириш, ушбу жараёнда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ҳамда тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг янги таъсирчан механизмларини жорий этиш муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Сўнгги йилларда республикаимизда норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида: қонун ижодкорлиги фаолияти

сифатини тубдан ошириш¹; «ақлли тартибга солиш» моделлари ва қабул қилинаётган қарорлар таъсирини таҳлил қилиш методологиясини жорий этиш²; қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш³; қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш юқини мақбул-лаштириш⁴ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан, айрим қарорлар чуқур ва пухта ўйланмаган ҳамда амалга оширишнинг аниқ механизми назарда тутилмаган ҳолда қабул қилиниши жамият ва давлат ривожига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, республикамизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини оширишда муҳим тартиб-таомил ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг институционал асосларини ва ҳуқуқий механизмининг янада такомиллаштириш заруратини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон, «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон, «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон фармонлари, «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз тадқиқотчилари ва олимларидан А.Х.Саидов, М.Х.Раҳмонқулов, О.Т.Хусанов, Х.Т.Одилқориев, Р.Х.Ҳакимов, М.М.Миракулов, И.Т.Тулътеев, Ф.Э.Мухамедов, Ш.А.Сайдуллаев, Ж.И.Сафаров, С.А.Султанова, А.А.Хужаназаров, А.Қ.Худойбердиев, Р.Саидов

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони // www.lex.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон Фармони // www.lex.uz.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони // www.lex.uz.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони // www.lex.uz.

ва бошқалар томонидан ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда унинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган¹. Хусусан, С.А.Султанова «Норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» моделини қўллашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари» бўйича диссертация ишида «ақлли тартибга солиш» модели доирасида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг назарий жиҳатлари ва унинг ўзига хос хусусиятларига, А.А.Хужаназаров «Адлия органлари норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация ишида адлия органлари норма ижодкорлиги фаолиятида «ақлли тартибга солиш» моделига, Ш.Н.Бердияров «Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация ишида тартибга солиш барқарорлигига, А.Ш.Содиқов «Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусидаги диссертация ишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали норма ижодкорлиги жараёни шаффофлигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга, А.Қ.Ҳудойбердиев «Ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-тахлилий таъминлашни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация ишида «ақлли тартибга солиш» моделининг умумий жиҳатлари ва ҳуқуқий экспертиза масалаларига тўхталиб ўтган.

МДХ давлатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид масалалар Ю.Г.Арзамасов, С.Ахметжанова, А.Н.Беляев, А.А.Волошинская, А.Г.Голодникова, Д.О.Дерман, А.Б.Дидикин, М.Р.Зембатов, М.В.Иванова, О.А.Иванова, П.Г.Карпова, В.В.Колегов, П.В.Крючкова, А.В.Минаев, Г.А.Меньшикова, А.А.Миронова, А.А.Победин, Н.А.Пруель, Ю.А.Тихомиров, М.А.Соколова, Д.В.Федулов ҳамда Д.Б.Циганков каби олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган бўлиб, мавзунинг айрим жиҳатларини ўрганишга маълум даражада ёрдам беради². Хусусан, А.В.Минаевнинг «Давлат бошқарувида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг «тартибга солиш таъсири баҳолаш» услубияти ва тартиб-таомиллари: имкониятлари ва Россия Федерациясига жорий этиш истиқболлари» мавзусидаги социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясида давлат бошқарувини ислоҳ этиш шароитида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг социологик жиҳатларига, шунингдек, В.В.Колеговнинг «Минтақавий даражадаги давлат бошқарувида тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация ишида тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими ҳудудий давлат бошқарувини самарали мувофиқлаштиришнинг иқтисодий воситаси сифатида кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашга доир масалалар С.Кордова, С.Раделли, С.Жакобсон, П.Дудлей, В.Харрингтон, В.Тоегер, Р.Моргенштейн, Р.Хахн, Л.Хеинзерлинг, С.Худ, Ж.Жохнстон, Ж.Кирчхоф, Т.Николка, С.Киркпатрик, Д.Паркер, Э.Мадер, Ж.Бурнетт, П.Мойле, Ж.Морралл, А.Огус, Ж.Пратс, А.Прест, П.Торрес, Р.Турвей, С.Радаелли, А.Мэувес, Н.Лии, А.Ренда, П.Росси, Х.Фриман, М.Скривен, Л.Аллио, Ж.Бейкер

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

² Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган¹. Хусусан, С.Кордова тартибга солиш соҳасидаги ислохотларни институционал жиҳатдан таъминлаш, Ф.Франческо, С.Раделли ва С.Жакобсонлар тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича инновацияларни Европа Иттифоқи мамлакатлари амалиётига жорий этиш, Р.Хахн ва П.Дудлейлар фойда ва харажатлар таҳлилини ҳукуматнинг норма ижодкорлиги фаолиятида татбиқ этиш, шунингдек, С.Жакобс, В.Харрингтон ва Р.Моргенштейн тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ривожланиши ва ушбу йўналишдаги муаммоларни ҳамда С.Киркпатрик яхшироқ тартибга солишнинг истиқболлари каби масалаларни ўрганган.

Мамлакатимизда ва МДҲ давлатларида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти «ақлли тартибга солиш» моделининг бир қисми сифатида умумий таҳлил қилинган, шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг давлат бошқарувидаги ўрнининг социологик ва иқтисодий асослари ўрганилган. Мазкур тадқиқот ишида эса, айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг илмий-назарий асослари, бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий тажриба ва миллий қонунчилик базаси диссертацияси иши даражасида комплекс ўрганилганлиги билан фарқланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Давлат ва жамият қурилиши тизимини ислоҳ этишда қонун ижодкорлик жараёнини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» илмий-тадқиқоти доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиёти самарадорлигини ошириш ва бу борадаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосланган тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тушунчаси ва унинг ўзига жиҳатларини аниқлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини комплекс таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасида илғор хорижий тажрибани қиёсий тадқиқ этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Тадқиқот предметини норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асослари ҳамда механизмларига оид қонунчилик ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажриба ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, ғоялар, қарашлар, назариялар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, норматив-ҳуқуқий таҳлил, умумлаштириш, мантиқийлик ҳамда маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ҳамда унинг тартибга солиш мақсадларига эришилишини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатидаги юридик тавсифи очиқ берилган;

ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига, тадбиркорлик ва рақобат муҳитига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш зарурати асослаб берилган;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини босқичма-босқич, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнида ҳамда қабул қилингандан кейин тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг уч босқичли тартибини жорий этиш зарурати асослаб берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни шакллантириш ҳамда мажбурий тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдим этиш ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълон қилиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш режасини ҳар йили ишлаб чиқиш тартиби ишлаб чиқилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилларини услубий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ягона услубиётни шакллантириш мақсадга мувофиқлиги асослантириб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг эҳтимолий оқибатларини аниқлаш ва баҳолаш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни белгилаб берувчи қонуний тушунчасини «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида акс эттириш зарурлиги;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси доирасини аниқ белгилаб бериш зарурлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва қабул қилингандан кейин тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг уч босқичли тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни шакллантириш

ҳамда мажбурий тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдим этиш ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълон қилишни аниқлаштирувчи норма ва қоидаларни қонунчиликка киритиш зарурлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилларини услубий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ягона услубини шакллантириш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижалари ишончлилиги. Тадқиқот ишининг хулосалари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий қонунчиликни таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олингани; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ушбу соҳадаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунчилик ҳужжатлари нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» ва «Конституциявий ҳуқуқ» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан норма ижодкорлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш механизмларининг самарадорлигини ошириш, тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг янги механизмларини киритиш бўйича қонунларнинг давлат ҳуқуқий сиёсатига уйғун ҳолда ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш орқали юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ва уларда назарда тутилган тартибга солиш мақсадларига эришилишини аниқлаш ҳамда баҳолашга қаратилган хусусиятларини белгилаш, шунингдек, тадбиркорлик ва рақобат муҳитига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисидаги таклифдан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуннинг 35-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 2 июндаги 06/1-11/2839-сон далолатномаси).

Натижада тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий асослари қонун даражасида мустаҳкамланишига хизмат қилган;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини режалаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнида ҳамда қабул қилингандан кейин тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг уч босқичли тартибини жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни шакллантириш ҳамда мажбурий тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдим этиш ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълон қилиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш режаси ҳар йили ишлаб чиқилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарорининг 1–3-бандлари, шунингдек, қарор билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибиятининг 2021 йил 26 майдаги 02/21-26-сон далолатномаси). Натижада норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилларини услубий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ягона услубиётни шакллантириш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 31 мартдаги 7-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шакллари ишлаб чиқишда эътиборга олинган (Адлия вазирлигининг 2021 йил 1 июндаги 24-16/11-84-сон далолатномаси). Натижада норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими ташкилий-ҳуқуқий ва услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 1 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, «давра суҳбатлари» ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 7 та мақола (3 таси хорижий нашрда) ва тўпламлар таркибида 4 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг умумий тавсифи»** деб номланиб, 3 та параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг генезиси, тушунчаси, мақсади, аҳамияти ва принциплари ҳамда конституциявий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш объектлари ва субъектларининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган.

Тадқиқотчининг фикрича, ривожланган хорижий давлатларда тартибга солиш ислоҳотлари давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилади. Тартибга солиш ислоҳотлари самарасиз аралашувни қисқартириш ва уларни қўллаш оқибатларини тўлиқ баҳолаш орқали самарали тартибга солиш воситаларини танлаш имконини беради.

Ушбу бобда А.А.Волошинская, Л.Мадер, С.Жейкобс, Ж.Бейкер, Л.Мадер, Ю.Г.Арзамасов, М.В.Иванова, А.Б.Дидикин, В.В.Колегов, Н.А.Пруел, А.В.Минаев, Г.А.Меньшикова, А.А.Миронова, Д.О.Дерман, В.В.Колегов ва С.А.Султанова сингари маҳаллий ва чет эллик ҳуқуқшунос олимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тушунчаси бўйича ёндашувлари ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Юқоридаги олимлар ёндашувларидан келиб чиққан тадқиқотчи томонидан “тартибга солиш таъсирини баҳолаш” тушунчаси муаллифлик тарифи берилиб, унга кўра тартибга солиш таъсирини баҳолаш деганда, тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасига тушадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан жорий этилаётган давлат томонидан тартибга солишнинг янги ёки мавжуд усул ва воситалари орқали юзага келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни, шу жумладан, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат бюджети учун фойда ва харажатларни таҳлил қилиш, ижтимоий ва иқтисодий соҳага таъсирни баҳолаш ҳамда тартибга солишнинг самарали ёки муқобил воситасиларини аниқлашни назарда тутадиган махсус тартиб-таомил тушунилади.

Диссертант томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш турлари ушбу соҳада изланишлар олиб борган олимлар, шу жумладан Ж.Бейкер (тартибга солиш таъсирини комплекс баҳолаш), В.В.Колегов (тартибга солиш таъсирини ички ва ташқи баҳолаш), П.Росси, Х.Фриман (оралиқ баҳолаш (on-going) ва жараённи баҳолаш (process evaluation) ҳамда Х.Вольманнинг (бирламчи ва иккиламчи баҳолаш (мета-баҳолаш) ёндашувлари асосида умумлаштирилган.

Шу билан бирга, тадқиқотчи тартибга солиш таъсирини баҳолаш ким томонидан амалга оширилишига қараб, **ички** ва **ташқи баҳолашга** бўлишни таклиф қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори талабларига кўра, тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасига тушадиган лойиҳа дастлаб уни ишлаб чиқувчи вазирлик ва идоранинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул бўлган ходими томонидан баҳоланади ҳамда кейинчалик ваколатли органлар – тегишлича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан баҳоланади. Бунда вазирликнинг ўзида ички баҳолаш, бошқа идоралар томонидан эса ташқи баҳолаш амалга оширилади.

Диссертант соҳага оид хорижий адабиётлар ҳамда хорижий тажриба таҳлили асосида тартибга солиш таъсирини баҳолаш қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичларига кўра – **дастлабки** ва **кейинги**, баҳолашни амалга ошириш субъектига кўра – **ички** ва **ташқи**, баҳолашни амалга ошириш усулига кўра – **дастлабки** ва **аниқ**, баҳолаш объектига кўра эса – **қонун** ва **қонуности ҳужжатларни**, шунингдек, баҳолаш йўналишларидан келиб чиқиб **ижтимоий** ва **иқтисодий** соҳага, **тадбиркорлик** ва **рақобат** муҳитига, **атроф-муҳитга** таъсирни баҳолаш каби турларга ажратиб кўрсатди.

Тадқиқот натижаларига кўра, шунингдек, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб борган олимларнинг (С.Жейкобс, Д.О.Дерман, А.Б.Дидикин ва В.В.Колегов) ёндашувларига асосан, тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг асосий **мақсади** вазмин, ҳар томонлама ўйланган, оқилона ва мақбул қарорлар қабул қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш юкини камайтириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади, – деган хулосага келинди.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг турли жиҳатларига ва афзалликларига аҳамият қаратилади. Юқоридагилар асосида **тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти аҳамиятини** қуйидаги омиллар билан асослантириш мумкин:

таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасидан келиб чиқадиган фойда ва харажатларни ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш учун зарур давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш имконини беради;

солиқ ва божхона маъмурчилиги самарадорлигини ошириш, шу орқали бюджет харажатларини самарали тақсимлашга хизмат қилади;

лиценция ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш орқали қулай тадбиркорлик ва бизнес муҳитини яратади ҳамда иқтисодий самарали тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш имконини беради;

маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, давлат томонидан тартибга солишнинг самарали муқобил усуллари ва воситаларини қўллаш орқали иқтисодий ўсишга замин яратади;

давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини янада оширади, пухта ишланмаган ҳамда молиявий-иқтисодий жиҳатдан асослантилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишининг олдини олади;

давлат органлари ваколатлари ва вазифаларидаги ўзаро такрорланишлар олдини олиш орқали институционал жиҳатдан давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнига жамоатчилик, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларни кенг жалб қилиш, уларнинг фикрларини инобатга олиш орқали давлат органлари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари орасида ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш, пировардида эса, бутун мамлакатда қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини яратиш имконини беради;

таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ва улар билан белгиланаётган тартибга солиш воситалари бўйича манфаатдор томонларнинг фикрларини ўрганиш ва инобатга олиш орқали норма ижодкори жараёнининг мувофиқлашганлигини, энг асосийси, бутун норма ижодкорлиги жараёнининг шаффофлигини ва ҳуқуқий тизимга бўлган ишончнинг ортишига хизмат қилади;

давлат тартибга солиш сиёсати давлат рақобатбардошлигининг муҳим омили сифатида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, пировардида эса, барқарор инвестициявий ва тадбиркорлик муҳити амал қилишига хизмат қилади.

Тадқиқотчи томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш **мақбуллик, ўзаро мутаносиблик, ошқоралик, ортиқча тартибга солишдан тийилиш, жамоатчилик иштироки, асослантилганлик** каби принципларга асосланиши кўрсатиб берилди.

Диссертант тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид норматив-ҳуқуқий база шаклланиши ва такомиллашувини қуйидагича даврлаштиришни таклиф этади: **1-босқич – 2008-2018 йилларни** қамраб олиб, ушбу даврда тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид қонунчилик асослари шаклланди, мазкур институтни жорий этиш бўйича дастурий-ташкилий чоралар белгиланди. **2-босқич – 2018-2019 йилларни** қамраб олиб, ушбу даврда тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди, институционал асослари қисман ташкил этилди ҳамда тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг муҳим элементи бўлган жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиб-таомиллари кучайтирилди. **3-босқич – 2020 йилдан ҳозирги вақтга қадар бўлган даврни** ўз ичига олиб, ушбу босқичда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ташкилий-институционал асослари такомиллаштирилиб, норма ижодкорлиги жараёнида ушбу тартиб-таомилни самарали амалга ошириш бўйича яхлит тизим яратилди.

Мазкур бобда, шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш объекти доирасини кенгайтириш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти сифатининг мустақил ташқи назоратини ташкил қилиш асослантирилди.

Ўзбекистонда тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасида парламент иштирокини мустаҳкамлаш, шу жумладан, Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили Олий Мажлис палаталарига тартибга солиш сиёсати юзасидан ҳисобот киритиб бориш тартибини жорий этиш таклиф этилган.

Шунингдек, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан тасдиқланган **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 23-бандида** Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсирини ўрганиш бўйича хулоса берувчи орган сифатида белгилаш таклиф этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиби ва босқичлари»** деб номланиб, унга параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда тадқиқотчи томонидан А.Б.Дидикин, А.Н.Беляев, Д.О.Дерман, Д.Б.Циганков, М.В.Иванова ва С.А.Султанова сингари олимларнинг ёндашувлари асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш босқичлари ва усуллари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашда жамоатчилик ўрни ва роли очиқ берилган.

Тадқиқотчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш қуйидаги асосий босқичлари ажратиб кўрсатилди: **1-босқич** – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи вазирлик ва идорада ушбу лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш объекти доирасига тушиш ёки тушмаслигини аниқлаш; **2-босқич** – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи вазирлик ва идорада лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш; **3-босқич** – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни хулоса берувчи органлар билан келишиш; **4-босқич** – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни Адлия вазирлиги билан келишиш; **5-босқич** – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот ва хулосаларни қабул қилувчи органларга киритиш ва эълон қилиш.

Диссертант томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасига тушадиган барча лойиҳаларни ишлаб чиқишдан олдин (режалаштириш вақтида) уларнинг концепцияси тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилишини белгилаш лозимлиги асослаб берилди. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан бериладиган топшириқлар муддатини **камида уч ой қилиб белгилаш** ҳам топшириқлар концепциясини тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартибини жорий этишга хизмат қилади.

Тадқиқотчининг фикрича, лойиҳа концепциясини тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш ҳуқуқий тартибга солиш ғоясини муҳокама қилиш орқали умуман норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш кераклиги ёки керак эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Диссертациянинг мазкур бобида шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашда жамоатчиликнинг ўрни чет эллик ва маҳаллий олимларнинг (Т.В.Шаулова, О.А.Иванова, М.В.Иванова, С.Ахметжанова, А.Мухамеджанова, К.Тен ва А.Худойбердиев) ёндашувлари асосида атрофлича таҳлил қилинган.

Юқорида келтирилган олимларнинг ёндашувлари асосида тадқиқотчи томонидан жамоатчилик муҳокамасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашдаги аҳамияти қуйидаги омиллар билан асослантирилди: барқарор иқтисодий ва инновацион ривожланиш, мамлакатда қулай инвестициявий ва рақобат муҳити шаклланиши, ҳуқуқ устуворлиги учун шарт-шароит яратиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш заруратини ҳар томонлама асослантириш; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган маъмурий тўсиқлар ва уларнинг кўзда тутилмаган эҳтимолий салбий оқибатларини барвақт аниқлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан белгиланган қоидалар ва талабларни тезроқ ва осонроқ жорий этиш; қабул қилинган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалиётга қўллаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олиш; қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар легитимлигини ва жамоатчиликнинг давлат бошқаруви тизимига нисбатан ишончини ошириш.

Жамоатчилик муҳокамасини кенгайтириш ва уни амалга оширишга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида келгусида «regulation.gov.uz» порталида **«Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар» саҳифасини** ташкил этиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда фаолликни ошириш мақсадида жамоатчилик муҳокамасига қўйилган лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни (хабарларни) **телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали кенгроқ тарқатиш** таклиф этилди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: миллий ва хорижий тажриба»** деб номланиб, учта параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда тадқиқотчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасида хорижий тажриба ҳамда ундан фойдаланиш истиқболлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар таҳлил қилинган.

Муаллиф тартибга солиш таъсирини баҳолаш борасидаги ижобий хорижий тажрибани ўрганиш миллий қонунчиликни янада ривожлантириш учун муҳим асос бўлишига эътибор қаратади. Унинг ёзишича, хорижий мамлакатларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш механизмларининг ривожланиши «ақлли тартибга солиш» институтининг шакллантирилишига хизмат қилади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилини тартибга солиш мақсадида **махсус қонунлар** қабул қилинган (Чехия, Корея, Мексика). Кўпгина мамлакатларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш **қонуности ҳужжати ёки қўлланма билан** тартибга солинади: бундай ҳужжатлар **давлат раҳбари** (АҚШ, Норвегия), **бош вазир** (Австралия, Франция, Италия, Австрия, Нидерландия), **ҳукумат** (Канада, Дания, Финляндия, Ирландия, Япония, Янги Зеландия, Польша, Германия, Португалия, Буюк Британия) томонидан чиқарилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомиллари билан қамраб олиш доираси ҳам хорижий мамлакатларда фарқланади. Чехия, Дания, Франция ва Венгрияда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомиллари **қонунлар ва муҳим қонуности ҳужжатлари**, Португалияда эса **алоҳида қонунлар ва барча қонуности ҳужжатлар** учун амалга оширилади. Нидерландия ва АҚШда йирик **қонунлар ва йирик қонуности ҳужжатларга** татбиқ этилади. Германияда барча **қонунлар, қонуности ҳужжатлар ва маъмурий тартибга солувчи нормалар** тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади. Янги Зеландияда Ҳукумат қарорига айланиши мумкин бўлган **қонуности ҳужжатлар ва лойиҳалар тартибга солиш таъсирини** баҳолашдан ўтказилади.

Хорижий тажриба таҳлилига кўра тартибга солиш таъсирини баҳолаш иқтисодиётга давлат аралашувининг мақсадга мувофиқлигини асослашнинг самарали воситасидир ва бугунги кунда у ривожланган иқтисодиётга эга бўлган барча мамлакатларда у ёки бу шаклда мавжуд, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда мажбурий тартиб-таомил сифатида тавсия этилган.

Кўплаб хорижий мамлакатларда тартибга солиш сифатини таъминлаш норма ижодкорлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг узвий қисмига айланиб бормоқда. Хусусан, тобора кўпроқ давлатларда тартибга солиш ислоҳотларини амалга оширишда вазир ёки Ҳукуматга кўмаклашиш учун масъул бўлган юқори лавозимли мансабдор шахс тайинланмоқда, шунингдек, тартибга солиш бўйича аниқ чора-тадбирлар, истиқболли режалар белгиланмоқда. Аксарият мамлакатлар тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш ҳамда тартибга солиш ислоҳоти ва сифатни таъминлаш масалалари бўйича мониторинг қилиш учун масъул бўлган махсус органни ташкил этмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи вазирлик ва идораларга, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани комплекс ривожлантириш, самарали давлат экологик сиёсатини амалга ошириш ҳамда бошқа соҳаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда таҳлилий жиҳатдан кўмаклашишнинг изчил тизимини яратиш таклиф этилади. Бу учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, унинг натижаларни расмий сайтда (regulation.gov.uz), шунингдек, веб-сайтларда муҳокамалар жойлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини

